

5 ташаббус: БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Бағдод тумани маданият бўлими ҳамда Фарғона вилояти мусиқали драма театри раҳбариятларининг ҳамкорликдаги иш режасига мувофиқ, бир гуруҳ театр ходимлари бугун тумандаги 88-махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари учун “Сехрли кўзичоқ” номли сахна кўринишини намойиш қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг биринчи йўналишига мувофиқ, ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш мақсадида ташкилланган бу тадбир болажонлар қалбига чексиз қувонч ва шодлик улашди.

- Ўқувчиларимизнинг жисмоний ва ақлий имкониятлари бироз чекланган бўлса-да, лекин уларнинг ҳам қалбида санъатга иштиёқ, рассомчиликка, мусиқага, адабиётга ҳавас ва интилиш бор, - дейди биз билан суҳбатда мактаб-интернати директори Нигорахон Деҳқонова. - Бизни бу борада доимий равишда қўллаб-қувватлаб келаётган туман ҳокимлигига ва бошқа ҳамкор ташкилотларга жамоамиз номидан самимий миннатдорлик билдираман. Бугунгидек театр томошалари тез-тез ташкилланиб турса, фарзандларимиз юрагида ниш урган эзгулик уруғлари кун келиб, албатта, ҳосил беради, деб ўйлайман.



Ўқувчилар театр актёрларининг сахнадаги ҳар бир ҳаракатидан бениҳоя таъсирландилар: айёр тулкининг антиқа найранглари-ю, қонхўр бўрининг хурмача қилиқларидан аччиқланишди, топқир ва ҳозиржавоб кўзичоқнинг зукколигидан эса завқланишди.

Туман маданият бўлими бошлиғи Аҳроржон Хатамовнинг маълум қилишича, ҳамкорлик режасига мувофиқ, вилоят мусиқали драма театри жамоаси бу каби томошаларни йил давомида тумандаги барча таълим муассасаларида, шунингдек, маҳаллаларда намойиш қилиб борадилар.

